ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

> Суббота, 12 марта, 2005 год, № 31 (2075). Газета издается с 24 июня 1992 года.

> > В розницу - цена свободная

# ОКСАРОЙДА КАБУЛ

2005 йил. 12 март, шанба № 31 (2075).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чика бошлаган.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 март куни Оқсаройда Америка Кушма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавкулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнеллни қабул қилди.

Сотувда эркин нархда

Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойида АҚШга расмий ташрифи чогида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик ва хамкорлик асослари тўгрисида декларация қабул қилинган эди. Бу хужжат ўзаро хамкорликни янада ривожлантиришда мухим хукукий асос вазифасини ўтамокда.

Узбекистон АКШ билан муносабатларга алохида

эьтибор қаратади. АҚШ эса Узбекистонга Марказий Осиёдаги мухим давлат сифатида қарайди. Мамлакатларимиз халкаро террорчилик ва диний экстремизмга, наркотик моддалар ва қурол-ярогнинг ноқонуний савдосига қарши курашда

ҳамкорлик қилиб келмоқда. АҚШ Узбекистоннинг йирик савдо шерикларидан хисобланади.

Узаро товар айирбошлаш хажми йилдан йилга ўсиб бормокда. Жумладан, бу кўрсаткич 2003 йилда 335,2 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2004 йилда 543 миллион долларга етди. Қушма корхоналар сони беш юзга якин.

Оқсаройдаги учрашувда икки томонлама муносабатлар стратегик шериклик тамойилларига мувофик ривожланиб бораётганидан мамнуният изхор этилди.

Ж.Пурнелл ушбу учрашув ўзаро ҳамкорликка оид масалаларни мухокама килиш учун яхши имконият эканини таъкидлади ва самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Сухбат давомида икки томонлама алоқалар, минтакавий хавфсизлик ва Афгонистондаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

# ИНСОН ЭЪТИКОДСИЗ, ИЙМОНСИЗ ЯШАЙ ОЛМАЙДИ

Давлатимиз рахбари Ислом лакатимизда хамжихатликни, Каримов Олий Мажлиснинг тинчлик ва багрикенгликни Конунчилик палатаси ва Сенати қушма мажлисидаги дастурий маърузасида мамлакатимизнинг бундан кейинги сиёсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий истикболини аник белгилаб берди. Маърузада дин ва унинг жамиятдаги ўрни хақида ҳам сўз юритилди. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кумита раиси Шоазим МИ-НОВАРОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

-Бугун дунёда глобаллашув жараёни кечмокда ва мамлакатимиз ундан четда эмас. Шундай бир пайтда диннинг жамиятдаги ўрни қандай бўли-

Глобаллашув жараёни хаётнинг барча сохаларини, жумладан, маданий сохани хам қамраб олмоқда. Бунинг ижобий томонлари билан бирга, салбий оқибатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, оддий тиш пастасининг рекламаси учун хам бехаё сахналардан фойдаланиш ва бундай роликларнинг айрим каналларда дамба-дам такрорланиб туриши шарқона қадриятларга, ислом қадриятлари ва тушунчаларига, ана шу тушунчалар асосида тарбияланиб келаётган халқимизга, айниқса. ёшларимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Энг ёмони, бундай холат мутаассиблик гояларини тарқатаётган гурухларга «Мана сиз эргашаётган демократия. Турмуш тарзингизга кириб келаётган маданият фарзандларингизга нимани ўргатмоқда», дейишлари учун қул келмоқ-

Хўш, шундай шароитда диннинг ўрни қандай бўлиши керак? Диннинг вазифаси одамларда инсоний фазилатларни тарбиялашдан, маърифат тарқатишдан, ёмон ишлардан қайтаришдан иборат.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунларданоқ давлатимиз рахбари маънавият сохасига, жумладан, динга катта эътибор қаратиб келмокда. Мустакиллик йилларида ислом дини илмига улкан хисса қушган буюк юртдошларимиз Имом ал Бухорий, Имом ат-Термизий, Бахоуддин Накшбанд, Имом ал-Мотурудий каби алломаларимиз хотираларини тиклаш, уларнинг илмий меросини ўрганиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Конституциямизда фукароларнинг истаган динига эътикод килиш ёки эътикод килмаслиги, диний таълим олиши хукукий жихатдан кафолатланган. Мам-

таъминлашга икки мингдан ортиқ диний ташкилот ўз хиссасини кушиб келмокда. Ибодат қилиш, рўза тутиш, муқаддас жойларни зиёрат этиш учун барча имкониятлар яра-

Аммо четдан кириб келаётган, бизнинг миллий табиатимизга ёт, ҳатто зарарли таъсирлар — катталарга хурматсизлик, одоб-ахлоқ қоидаларини менсимаслик, бехаёлик каби иллатлар, демократияни нотўгри талқин этиш айрим ёшларда худбинликнинг кучайишига олиб келмокда. Тўгри, ёшларимизда мустақил фикр, олға интилиш, ўзига хослик бўлиши лозим ва шарт. Лекин бу бошқаларни топташ, менсимаслик мумкин, дегани эмас. Динимиз манманликни.

яъни кибрни қоралайди. Куръони карим ва хадиси шариф ўзгармасдир. Инсоният йигирманчи аср сунгида мислсиз тараққиётга эришди. Бирок шундай бир пайтда дин никобидаги терроризмнинг инсониятта хавф солаёттани ташвишлилир.

Афсуски, терроризм бизнинг асримизга келиб инсониятнинг умумий душманига айланди. Президентимизнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг кушма мажлисидаги маърузасида халқаро терроризмга, диний экстремизмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолгани алохида таъкидланади. Давлатимиз рахбари ушбу курашда маърифий исломга ёрдам бериш шу куннинг долзарб вазифаси эканини алохи-

да уқтириб ўтди. -Халқаро терроризмнинг катта кисми мукаддае ислом дини никоби остида амалга оширилмокда. Бунинг окибатида мусулмонлардан қуркиш кайфияти шаклланиб қолмаяп-

 Афсуски, шундай. Бугунги диний экстремизм бундан 50-60 йил илгариги диний экстремизм ва фундаментализмдан бир неча баробар хавфлидир. Чунки дин никоби остида ақидапарастлик ғоялари билан қуролланған экстремизм гиёхванд моддалар тарқатиш, қуролярог савдоси, халқаро терроризм билан қушилиб кетди.

Ақидапарастлар диннинг асл қадриятлари билан ислом давлати тузиш, халифаликка қайтиш каби бетайин ва бебурд сиёсий максадларни

қориштирмоқчи бўляпти. Бугунги кунда одамлар терроризм қандай бало эканини тушуниб етдилар. Бинобарин,

унинг ислом динига хеч қандай алоқаси йўқлигини англади. Ислом динини никоб қилиб манфур ишларни амалга ошираётган бир гурух мутаассиблар ер юзидаги бир миллиард уч юз миллиондан ортиқ мусулмоннинг дунёқара-

шини белгилай олмайди. Диний экстремизм қандай кўринишда бўлмасин, қандай ном билан аталмасин, унинг асосий максади хокимият тепасига чикиш. Хох у ислом пуританизми бўлсин, хох бутун дунё мамлакатларини бирлаштириб, ягона халифалик ўрнатаман, деган хом хаёллар билан ўзларини ҳам, ўзгаларни хам чалгитиб юрган «хизбут тахрир»чилар бўлсин уларнинг хакикий ислом динига заррача алоқаси йўқ.

Аксинча, бундай харакатлар ислом динига қарши ишлаяпти. Давлатимиз рахбари Россиянинг «Независимая газета»си мухбирига берган интервьюсида «Мусулмончиликни террорчилик билан тенглаштириш, бен Ладенни бутун ислом намояндаси деб курсатишга уриниш холлари хам учрайди. Бундай қараш ва талқинлар ислом дини хакида нотўгри тасаввур уйготади ва бутун дунёда унга нисбатан тахликали муносабатни келтириб чиқаради», дейди. Бордию бугун каердадир ислом динидан чўчиш кайфияти учраётган бўлса, бунга дин эмас, динни никоб килиб олган экстремизм айбдордир. Улар ислом тарафдорлари эмас, аксинча, ислом

Ислом - маърифий дин. У нафсга берилишни, мол-дунёга хирс куйишни, риёкорликни, ёлгончиликни, гийбатни, такаббурликни, манманликни, фахшни, ичкиликбозликни қуйингки, онгли инсон ножоиз деб хисоблайдиган барча иллатларни қоралайди. Дунёвий жамият учун хос булган умумахлоқий меъёрлар динимизнинг ушбу қоидаларига хамохангдир.

динининг душманларидир.

Миллий уйгониш, ўзликни англаш каби маънавий-рухий жараённи бошимиздан кечираётган бир пайтда эзгулик туйгуларининг тўла шаклланишига, унинг тантана қилишига кўпроқ эхтиёж сезяпмиз. Эзгулик ва яхшиликнинг такомилга етиши эса ўзимизга қонимизда яшаётган миллий гурурнинг, бизга маънавий-рухий кувват берадиган ўзлигимизнинг камолига, уни нечогли асраб-авайлашимизга боглик. Буни барчамиз хеч қачон унутмаслигимиз керак. УзА мухбири

Вохид ЛУКМОНОВ сухбатлашди.

#### С полей боевой учебы



Безупречные действия младшего сержанта по контракту Алишера Худойбердыева (на снимке) на недавних тактических занятиях, где он выступал в роли наблюдателя, позволили подразделению вовремя обнаружить «противника» и сорвать его коварные замыслы. Не последнюю роль в успехе разведчиков сыграли и его меткие выстрелы из снайперской винтовки, которой он владеет в совершенстве, как и подобает настоящему профессионалу.

Фото подполковника Ярослава КОРУКИ.

## УЗИНИ НАМОЁН ЭТАДИ!

Йигитлик бурчини ўтаётган оддий аскар Хасан Нурматов қишки ўқув мавсумида юқори натижаларни кўрсатиб, сафдош-дўстларига ўрнак бўлмоқда.

Асли водийлик бу йигитнинг Қуролли Кучларимиз сафларига қўшилганига ҳам мана, уч ойдан ошди.

Шу муддат ичида вазифаси пулемётчи бўлган посбон аввало, ўз фаолиятига доир, қолаверса, ҳар бир ҳарбий хизматчи билиши шарт бўлган билимлар, Умумхарбий низомлар талаблари, у ерда белгиланган мажбурият ва

хуқуқлардан хабардор бўлди. Оддий аскарнинг айни кунлардаги диққат-эътибори тобора якинлашиб келаётган бахорги синов машгулотларига пухта хозирлик кўриш, тайёргарликнинг барча турларидан имкон қадар намунали кўрсаткичларни қўлга киритишга қаратилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўз куч ва билимига ишонувчи Хасан жисмоний ва ўқ отиш тайёргарлигидан кўнгли тўқ. Бундай дейишимга сабаб бор, албатта. Мактабда енгил атлетика тўгарагига қатнашиб, анча чиниққани, қолаверса, мустакил ва муттасил равишда турли спорт машгулотларини бажариб юргани армияда хам унга жуда асқотяпти. Уқ отиш машғулотла-

рига келсак, хизматнинг илк дамлариданоқ бу борада пешқадамлар сафидан ўрин эгаллай олган посбон шу пайтгача ҳар қандай шартли душманни тез ва аниқ яксон этмай күймади.

Дарвоке, оддий аскар Нурматовдан келажакдаги режалари хакида сўраганимда куйидаги жавобни олдим:

- Армияга келишимдан олдин касб танлаш борасида тўгриси, роса иккиланиб юрдим. Охири, бир йилдан сўнг, яъни хизматдан кейин бир тўхтамга келарман, деб ўйладим. Қолаверса, шу вақт ичида яхшилаб ўйлаб олишга хам имкон бор. Бу ердаги шарт-шароит, ҳарбий хизматчиларга яратилган имконият ва қулайликлар, имтиёзларни кўриб ўзим хам шу сохада фаолият юритишни истаяпман. Бу касбга, шарафли ва масъулиятли бурчга бўлган мехрим ўсиб бормоқда. Тез кунларда, бу фикрларимни мактуб оркали яқинларимга ҳам билдирмоқчиман. Уйлайманки, улар ҳам мени қўллаб-қувватлашади.

Ха, пулемётчи посбон касб танлашда айнан армияда бир қарорга келгани яхши, албатта. Бироқ, мухим ва хал қилувчи синовлар, имтихонлар хали олдинда. Шундай экан, унга хозирги ўкув машғулотларида яна-да фаол иштирок этишни, берилаётган билимларни қунт билан ўзлаштиришни тилаб қоламиз. Зеро, мустахкам билим ва мавжуд тажриба ҳар ҳандай шароитда хам ўзини намоён этади!

> Лейтенант ж. матёкубов.

#### В Юго-Западном особом военном округе

## встреча с **КОМАНДУЮЩИМ**

В гарнизонном Доме офицеров состоялась встреча заместителя Министра обороны - командующего войсками Юго-Западного особого военного округа генерал-майора Алишера Собирова с молодежью Кашкадарьинской области.

Выступая перед участниками встречи, генералмайор А.Собиров рассказал о ходе организации эффективной боевой подготовки в ходе зимнего учебного периода в частях и подразделениях ЮЗОВО, духовно-нравственном и патриотическом воспитании военнослужащих Вооруженных Сил независимого Узбекистана. В своем выступлении он акцентировал внимание собравшихся на вопросах: какими должны быть защитники Родины, как руководство страны заботится о военнослужащих.

На встрече было также отмечено, что в стране дан старт ходу весенней призывной кампании. Потому в эти дни в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О всеобщей воинской обязанности и военной службе» и в связи с очередным призывом в Вооруженные Силы на местах начинают свою работу призывные комиссии.

Председатели областных отделений фондов «Нуроний» и «Махалля» Я.Иноятов и А.Сафаров, а также другие выступавшие отметили, что среди молодежи в последние годы значительно возрос престиж службы в армии. Было особо подчеркнуто, какие возлагаются требования к гражданам призывного возраста.

Организаторы и участники встречи выразили единое мнение: молодежь Кашкадарьи приложит все свои силы и знания для нравственного возмужания, формирования сильного характера, твердой жизненной позиции, основанных на любви к Родине и готовности встать на ее защиту по первому зову.

Зухра ОЙМАМАТОВА, г. Карши.

Марказий харбий округда

## БАЙРАМОНА **ТАДБИРЛАР**

Офицер Рустам Халилов командирлик қилаётган карбий кисмда хам 8 март - Хотин-кизлар байрамига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

«Она азиз, она мукаддас зот» номли бадиий кеча мунис онажонларимиз, опа-сингилларимизга багишланган бўлиб, унда аёл зотининг муқаддас ва улуғлиги, фарзанд тарбиясида ва умуман жамиятимизда тутган ўрни хакида гап борди. Кечанинг тарбиявий ахамияти шундаки, у посбонларни юрт, оила химоясидек шарафли бурчни виждонан ва янада шижоат, ғайрат билан адо этишликка чорлайди.

Маълумки, бугунги кунда Ватан химоячиларининг билим даражаси, интеллектуал салохиятини янада оширишига катта эътибор қаратилмоқда. Айнан шу нарса 2004 - 2005 ўқув йили шиорида ҳам ўз ифодасини топган. Утказилган «Билимдон аскар» интеллектуал ўйинидан кўзланган максад эса худди юкоридаги талаблар билан ҳамоҳанг.

Турли ҳарбий жамоалар вакиллари иштирок этган бу сафарги ўйинда мутлақ ғолиблик муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар Бекзод Абдиевга насиб этди. Катта лейтенант Ойбек Содиков етакчилик килаётган взводда йигитлик бурчини адо этаётган посбон жамоадошларига нисбатан зукко ва топқир, ўткир зехнли эканлигини исботлай олди хамда кисм командири томонидан қул соати билан тақдирланди.

Шунингдек, айни байрам куни ранг-баранг концерт дастури ташкиллаштирилиб, харбий либос сохибалари, Куролли Кучларимиз хизматчиларига совгалар топширилди.

> Лейтенант Тулкин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

> > Айлын ГУДАРЗИ

## **ГАЛАБАЛАР ОЛДИНДА**

Оддий аскар Шокиров десантчилар гурухининг илгорларидан хисобланади. Утган йилнинг кузги чақирувида Қуролли Кучларимиз сафларига келиб қўшилган шунқорнинг вазифаси - снайпер.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташдан илгари, яъни мактабда ўқиб юрган кезлари спорт билан, аникроги, енгил атлетика билан мунтазам шу**гулланган Анвар учун хизмат** мобайнидаги кундалик режага киритилган жисмоний машғулотларни бажариш қийинчилик тугдирмади. Аксинча, илк кунларданоқ тайёргарликнинг ушбу тури бўйича сафдошларига ўрнак бўлди.

Дарвоке, у нафакат жисмоний, балки ижтимоий-сиёсий, ўқ отиш тайёргарликлари бўйича хам ўз жамоасида етакчи.

Масалан, дала-ўқув машғулотларида посбон ўз позициясини тез ва аник эгаллаб, майдонда ишончли харакатланиб, шартли «душман»ларни би-

рин-кетин яксон этди. Демак, гуруҳга қўйилган жанговар топширикнинг аъло даражада бажарилишида муносиб хиссасини қушди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.


Кўриниб турибдики, йигитлик бурчини ўтаётган оддий аскар Шокиров ўз вазифасига доим катта масъулият ва жавобгарлик хиссини англаган холда ёндашади. Бошқача айтадиган булсам, ўз устида бетиним ишловчи, хато-камчиликларини вақтида бартараф этишга интилувчи снайпернинг бош ва асосий максади намунали харбий хизматчи бўлиш билан бирга жонажон Ватанини кўз қорачигидек асровчилар, юртсеварлар сафини кенгайтиришдир.

Ишончим комилки, қатъиятли посбонни хали кўп галабалар кутмоқда.

> Лейтенант Учкун ҚОЗИЕВ

Идеология терроризма

Сегодня наша газета под рубрикой «Идеология терроризма» начинает публикацию книги «Хизб ут-Тахрир аль-ислами: мифы и реальность», автором которой является независимый исследователь и публицист Айдын Гударзи. Кстати, это не настоящее его имя, а псевдоним, который, по словам А.Гударзи, дает ему возможность не отвлекаться на тех, кто вне республики не желает появления исследований не только по тематике о Хизб ут-Тахрир, но и всего, что связано с понятием «современный экстремизм и терроризм». В то же время это нисколько не мешает ему поддерживать тесные контакты со своими оппонентами как в Центральной Азии, так и за ее пределами, используя электронную почту. А главные его оппоненты - это исламские ученые-богословы, журналисты, писатели и те, кто посвятил себя служению безопасности своей страны и защите прав человека. Исследованием темы терроризма и, в частности, Хизб ут-Тахрир А.Гударзи начал заниматься четыре года назад. После посещения учреждений исполнения наказаний в Зангиате и в Жаслыке в 2003 году в свет вышли его первые четыре публицистических очерка о приверженцах Хизб ут-Тахрир, с которыми он встречался и беседовал. В них автор выражает свое независимое мнение об идеологии и политтехнологах, заигрывающих с этой идеологией. В этом же году была опубликована и его документальная повесть «Без права совершить последнюю молитву». Главные



персонажи этого произведения - главари боевиков и члены их банд, действовавших на территории Гаджикистана и Афганистана в 90-х годах прошлого века. У читателя вполне резонно может возникнуть вопрос, откуда у автора такие документальные факты и знание ментальности боевиков. На этот вопрос А.Гударзи отвечает односложно: «Боевиком я никогда не был, но хорошо знал некоторых из них. Общение позволило понять их мировоззрение и глубину идеологических заблуждений. По сути они - управляемые бездушные куклы, которые молитвами укрываются от творимого ими зла, не ведая того, что являются заложниками чужих политических интересов».

В книге "Хизб ут-Тахрир аль-ислами: мифы и реальность" Айдын Гударзи пытается ответить на вопрос: почему идеологи партии Хизб ут-Тахрир аль-ислами объектом воплощения своих целей выбрали светских мусульман Узбекистана с его многовековой культурой и религиозными традициями, отражающими такие черты узбекского народа, как толерантность, щедрость и гостеприим-

Итак, читайте...

Кто он, пастух среди овец.

зовущий вас во мрак пустынный? Исчадье зла и мрачный лжец,

мною в начале 2000 года после прочтения текста Программы партии Хизб ут-Тахрир аль-ислами (Islamic Salvation Party), призывающей сообще-

ство мусульман к восстановлению халифата. Потом были встречи и беседы с хизбуттахрировцами, лжегероями политических докладов на тему «Преследование мирных мусульман Узбекистана», а также с теми, кто несет ответственность за противостояние экспансии идеологии Хизб ут-Тахрир аль-ислами и кого именуют за это «тирана-

Результатом таких встреч и

Набхани и трагической смерти узбекско-уйгурского писателя Эмина Усмана, посмертно ставшего жертвой спекуляции под тенью слов о «правах человека», стали четыре авторских очерка, опубликованных одновременно в узбекистанском еженедельнике «Зеркало XXI» и Интернет-сайте «ЦентрАзия».

го исследования идеологии

(Окончание на 3-й стр.).

# ПУЛЬС ПЛАНЕТЫ

Руководство сейма Литвы издало распоряжение, согласно которому работающие в Литве иностранные дипломаты отныне лишаются права беспрепятственного входа в здание сейма по аккредитационным удостоверениям. Об этом сообщила служба новостей литовского телеканала LNK. Отныне дипломаты смогут посещать сейм лишь по именному пропуску, в котором указывается имя приглашающего лица, а также время и цель визита. Кроме того, встречающий должен лично встретить и проводить гостя.

Нижняя палата германского парламента одобрила поправки в правила проведения массовых акций в части, касающейся маршей неонацистов. Согласно новым правилам, теперь будет запрещено проводить подобные марши вблизи мемориалов и памятников, посвященных жертвам нацизма,

На индонезийском курортном острове Бали зарегистрировано землетрясение силой 5,4 балла по шкале Рихтера. Эпицентр землетрясения находился в 25 км к югу от города Денпасар, центр - в 100 км под океанским дном. Сообщения о пострадавших и разрушениях не поступали.

Министерство здравоохранения Израиля начало расследование гибели двоих пациентов

в геронтологической больнице Hartzfeld в Гедере. Следователи подозревают врачей больницы в проведении незаконных экспериментов на людях, которые повлекли смерть па-

ЦИК Молдавии направил окончательные результаты парламентских выборов в Конституционный суд республики. Об этом сообщил секретарь ЦИКа Валентин Визант. «Согласно окончательным подсчетам ЦИКа, партия коммунистов Молдавии должна получить в новом составе парламента 56 мест, блок «Демократическая Молдова» - 34 места, Христианско-демократическая народная партия - 11», - сказал он. По закону Конституционный суд в десятидневный срок должен утвердить или нет результаты выборов. Одновременно он признает действительными мандаты избранных депугатов.

Мусульманские духовные лидеры Испании издали фетву, в которой Усама бен Ладен обвиняется в отступничестве. Лидеры призвали всех верующих осудить действия бен Ладена. Такое решение было принято Исламской комиссией Испании - главным представительным органом мусульманской общины, насчитывающей около 1 млн. человек. Фетва издана накануне годовщины терактов в мадридских электричках, жертвами которых стал 191 человек.

Снегопады и проливные дожди на юго-западе Китая стали причиной гибели по меньшей мере 15 человек, еще 10 считаются пропавшими без вести. Снегопады и дожди в провинции Юннань продолжаются с прошлых выходных. В некоторых районах высота снежного покрова достигла 96 см.

Полиция арестовала всех захватчиков самолета авиакомпании «Lufthansa» в аэропорту Брюсселя. Как сообщили представители бельгийской полиции, всего были задержаны 56 иранцев, добивавшихся встречи с представителями Евросоюза и требовавших восстановления монархии в своей стране.

США и Украина должны вывести свои взаимоотношения на новый уровень и стать стратегическими партнерами. Об этом заявил глава МИД Украины Борис Тарасюк, выступая в Вашингтоне.

(По страницам Интернета).

певец под маскою души невинной! Эти строки были написаны ми и палачами».

бесед и, конечно, собственно-

## Хуқуқий билимлар ягона кунини ўтказувчиларга ёрдам ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАР БИР ФУКАРОСИНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИДИР

Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофик 18-19 март кунлари Қуролли Кучларимизнинг барча қисм ва булинмаларида «Қуролли Кучларда хизмат қилиш – Узбекистон Республикаси ҳар бир фуҳаросининг шарафли бурчидир. Ёш аскарларни муносиб кутиб олиш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлганларни иззат-икром билан кузатиш» мавзусида хукукий билимлар ягона куни ўтказилади.

Ушбу мавзуни ўрганиш ҳарбий хизматчиларга ва, аввало, ёш аскарларга ҳарбий хизматнинг Ўзбекистон Республикаси фукаросининг шарафли бурчи сифатидаги ахамиятини хамда ўз харбий мутахассислигини эгаллашга виждонан муносабатда бўлиш, жанговар ўқув, жанговар шайлик ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга доимо эътиборли бўлиш заруратини чуқур англашларида ёрдам беради. Мавзуни ўрганиш, шунингдек, ёш аскарларни қабул қилиш ва муддатли хизматни ўтаб бўлганларни захирага бўшатиш билан боглиқ бўлган ташкилий, ўқув, услубий ва моддий-техник масалаларни янада сифатли

Ушбу мавзу буйича машгулотларни утказишга кисм ва булинмаларнинг рахбарлар таркибини, энг яхши тайёргарликка эга бўлган офицерларни, шу жумладан, ҳарбий адлия офицерларини жалб этиш лозим.

Мавзуни икки асосий саволдан келиб чиққан ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ: 1. Қуролли Кучларда хизмат қилиш – Узбекистон Республикаси ҳар бир фуҳаросининг шарафли бурчидир. Ҳарбий

хизматни виждонан ўташ – ҳар бир аскарнинг муқаддас бурчи.

2. Ёш аскарларни муносиб кутиб олиш, муддатли харбий хизматни ўтаб бўлганларни иззат-икром билан кузатиш.

ҚИСҚАЧА КИРИШ СЎЗИ-ДА сўнгги йилларда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар жараёнида харбий хизматнинг ахамияти ва нуфузи анча ошганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Харбий хизмат нафақат конституцион бурчни бажариш, балки нуфузли, жамиятдаги ўз ўрнини онгли, ҳар томонлама ўйлаган равишда танлаш ишига айланди. Харбий хизмат миллий хавфсизликнинг таркибий кисми сифатида ўзига жалб қилувчи ва шу билан бир вақтда, жуда масъулиятли ишга айланди, аскар мехнати эса жамият ва давлат учун зарурий бўлиб қолди. Бу жуда табиий, чунки мустақил Ватанни, халқимизнинг тинч хаётини химоя қилишдан мухим ва масъулиятлирок бошка вази-

фа йўқ. БИРИНЧИ САВОЛНИ кўриб чиқишга ўтилар экан, шуни таъкидлаш зарурки, Конституциямизнинг 52-моддасида «Узбекистон Республикасини химоя килиш - Узбекистон Республикаси хар бир фукаросининг бурчидир. Фукаролар қонунда белгиланган тартибда харбий ёки мукобил хизматни ўташга мажбурдирлар», деган сўзлар битилган. Бундан келиб чикадики, Ватанни, унинг мустақиллигини ва худудий яхлитлигини, фукароларнинг тинч-осойишта хаёти ва хавфсизлигини химоя қилиш Узбекистон Республикаси хар бир фукаросининг конституцион бурчи ва муқаддас вазифа-

Биз Куролли Кучларда хизмат қилишни шарафли бурч деб атаймиз. Чунки она-юртни химоя қилиш қадим-қадимдан шарафли иш, деб хисоблаб келинган. Бу билан халқ ва давлат томонидан Ватан химояси бўйича фукароларга юкланган алохида масъулият таъкидланган. Конституциямизнинг 125моддасига эътибор қаратамиз. Унда «Узбекистон Республикаси Куролли Кучлари Республикасининг давлат суверенитетини ва худудий яхлитлигини, ахолининг тинч хаёти ва хавфсизлигини химоя қилиш учун тузилади», дейилган. Ватан химоячиси олдига Конституция қўяётган вазифалардан хам шарафли ва масъулиятли вазифа бўлиши мумкинми? Албатта, йўқ. Бундай вазифаларни бажариш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг шарафли бурчидир.

Биз Куролли Кучларда хизмат қилишни муқалдас вазифа деб атаймиз. Ва бу хам тамомила тўгридир. Нахотки дунёда ўз муқаддас ерини, мустақил Ватанини, ўз халқини химоя қилишдан ҳам улуғроқ, муҳимроқ ва мукаддасрок бирон нарса бўлса? Бу шунинг учун ҳам муҳаддас-ки, унда, яъни харбий хизматда халкнинг, республика рахбарияти, мамлакат Президентининг жуда катта ишончи ифодаланади.

**Хар бир харбий хизматчи** шуни яхши англаб олиши керакки, харбий хизмат - бу фақат белгиланған ички тартиб бўйича яшаш ва фаолият кўрсатиш ҳамда қоровуллик ва ички хизматни ўташ эмас. Харбий хизмат - бу, аввало, жангчи томонидан харбий касбий билим ва малакаларни, юксак махоратни эгаллаб боришнинг узлуксиз жараёнидир. Бу - тактик фикрлаш ва ҳар ҳандай тиш-тирногигача қуролланған ҳамда айёр душманга қарши ҳар қандай мураккаб, ностандарт вазиятларда ҳам ҳаракат ҳила олиш ва ғалабаға эришиш махорати. Бу Ватан хавфсизлиги ва халқимизнинг тинч-осойишта хаёти учун ўз ҳарбий бурчи ва юқори масъулиятини чуқур тушуниш

Харбий хизмат – бу, шунингдек, жангчиларда юқори маънавий-ахлокий ва иродавий сифатларни шакллантириш. Бу чуқур ижтимоий-сиёсий билимларни эгаллаш ва шу асосда мустақиллик ишининг ҳаққонийлигига комил ишончни шакллантириш, ҳарбий хизматчини миллий гоя ва миллий мустақиллик мафкураси асосида

Харбий хизматни доимо мардлик ва ватанпарварлик мактаби, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактаби деб атаганлар. Ва бу мактаб харбий хизматнинг ибтидоси - ўз ҳарбий мутахассислигини эгаллаш, ҳарбий интизом моҳияти ва ҳарбий низомлар талабларини тушуниб олиш, Ҳарбий қасамёдда белгиланган ўз ҳарбий бурчини англашдан бошланади. Шу билан бир вақтда, ҳарбий хизмат ёшларга ўз иродасини шакллантириш, юқори инсоний сифатларни эгаллаш, ҳар томонлама жисмоний ривожланиш ва ақлий қобилиятларини намоён этиш учун имкониятлар яратади. Энг мухими - жангчи ўзининг барча ишларида ғайрат ва тиришқоқлик кўрсатиши керак. Шуни ёддан чиқармаслик зарурки, хар бир аскарнинг ўкув ва хизматдаги, ўз мажбуриятларини бажаришдаги тиришқоқлиги бутун армиямизнинг жанговар кудра-

Бугунги кунда касбий махорат, харбий низомлар талабларига қатъий риоя қилиш ва юқори ижрочилик жангчи учун алохида ахамиятга эгадир. Юксак касбий махоратга эга бўлиш, қисқа муддатларда ўз ишининг хақиқий устаси бўлиб етишиш варлик бурчидир. Бунинг учун нималар қилиш зарур? Биринчи. Доимо гайрат, ти-

ришқоқлик кўрсатиш. Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликнинг барча мавзуларини виждонан ўрганиш. Командирлар ўргатаётган барча нарсаларни диккат билан эшитиш ва ёдда сақлаб қолиш. Куроллар ва жанговар техникани ўрганишга алохида эътибор. Уларни яхшилаб ўрганиш ва муфассал билиш. Шунингдек, техникада ишлаш ва қурол ҳамда ўқ-дорилардан фойдаланиш жараёнида хизмат кўрсатиш қоидалари ва хавфсизлик чораларини яхши билиш. Бошқача айтганда, қурол ва жанговар техникадан тўгри фойдаланиш интизоми талабларига қатъий риоя қилиш. Бусиз қурол ёки жанговар техника, у қанчалик такомиллашган бўлмасин, металл ёки деталлар уюмига айланади.

Иккинчи. Тактик махоратни пухталаш ва тактик фикрлаш кўникмаларини эгаллашга алохида эътибор қаратиш. Тактика - жанговар махорат негизи ва ғалабанинг асосидир. Аскар жангдаги ўз вазифаларини яхши билиши зарур. Эхтимол тутилган душманини - унинг қуроллари, жанговар ҳаракат усуллари, маънавий-рухий холати, буш ва кучли томонларини билиш, душман ҳаракатидаги тактик хатоликлари ва кучсиз жойларини топа билиш хамда унга муқаррар зарба бериб, ўнглаб

Мана, шунинг учун хам тактик машғулотларга, машқлар, техника бошқаруви, жанговар навбатчилик, қоровуллик ва ички хизматга алохида эътибор бериш ва астойдил тайёргарлик кўриш лозим. Уларда жанговар махорат тобланади, профессионализм, тактик фикрлаш сайқал-

лари шаклланади. Учинчи. Аскарларда аввалдан синалган бир ҳақиқат бор: интизомсиз – галаба бўлмайди.

ланади, жангдаги ғалаба негиз-

говар шайлиги аскар, сержант, офицерларнинг жанговар шайлигидан таркиб топади. Хар бир қисм, взвод, бўлинма, гурух, бўлим, экипаж, расчётнинг жанговар шайлигидан таркиб топади. Ватан химоясига доимо тайёр бўлиш – хар бир харбий хиз-

TOTAL STATE OF MODELLY STATED OF

матчининг бурчидир. ИККИНЧИ САВОЛНИ кўриб чиқишга ўтилар экан, шуни таъкидлаш зарурки, ҳар йили бахор ва кузда Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муддатли харбий, мукобил

та боғлиқ бўлган вазирликлар, муассаса ва идораларнинг вазифалари белгилаб берилган. Ушбу қарор матбуотда эълон қилиниши билан Қуролли Кучлар хаётида масъулиятли давр ёш аскарларни қабул қилиб олиш ва сафларга жойлаштириш хамда муддатли харбий хизматни ўтаб бўлган жангчиларни резервга бўшатишга тайёргарлик кўриш даври бошланади.

Ёш аскарларни кутиб олиш <u>– бу ҳарбий фаолиятнинг алоҳи-</u> да, ўзига хос туридир. Ва, шунингдек, командир хамда маъмуриятнинг ёш аскарларни кабул қилиш ва сафларга жойлаштириш бўйича хукукий ўзаро муносабатларининг алохида туридир.

Ёш аскарларни қабул қилиб олишга бўлган алохида эътибор нималар билан изоҳланади?

Биринчидан, маълумки, ёш йигит армияга ўзининг фукаролик ҳаётида зарурий тобланиш, чиниқиш олмасдан келади. Шунинг учун у ўз харбий-касбий шаклланишининг бошиданоқ харбий хизматнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўзлаштириб олиши, уни бутун юраги ва қалби билан қабул қилиши ҳамда унга ўз муқаддас бурчи сифатида ёнсида»ги Қонун, ҳарбий низомларнинг ҳуқуқий меъёрлари, Мудофаа вазирининг буйруқлари хамда тегишли кўрсатмалар

1. Ташкилий масалалар. Ко-

лан узвий алоқада бўлишлари ва уларни чакирилувчиларга Мудофаа ишлари бошқармалари, махалла қўмиталари, ўқув юртлари, иш жойлари ва хукукни химоя қилиш органларидан бериладиган тавсифнома (характеристика)лар, билан таъминлашда ёрдам кўрсатишлари. Махаллий хокимият органлари, жамоат ташкилотлари билан хамкорликда уруш ва Қуролли Кучлар фахрийлари, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари, ўша ерда жойлашган қисм ва бўлинмаларнинг шахсий таркибини кенг жалб этилган холда, Чақирилувчилар кунини ўтка-

га қўйиш ва ўқитиш; ёш аскарлар ва ўқув бўлинмаларидан мутахассислар келишига қараб, уларни қабул килиш, ўрганиб чикиш ва жанговар тайёргарлик дастурининг сифатли бажарилиши таъминланишини хисобга олган холда, уларни штат лавозимлари бўйича жойлаштириш. Келган ёш аскарларни булинмаларга таксимлаш тартиби Ички хизмат низомида, 7-иловада ифода

этилган; - келган ёш аскарларни алохида яхши жихозланган казармаларга жойлаштириш ҳамда уларга энг қулай маиший шароитлар яратиб бериш. Еш аскарларни овкатлантиришга алохида эътибор қаратиш. Бу масалани энг қатъий ва доимий назо-

2. Укитиш масалалари, Еш аскарлар йигини машгулотлари ёш аскарларнинг бошлангич харбий тайёргарлик ва умумкўшин тайёргарлиги дастурига

бияси тарбиявий ишларнинг умумий вазифалари ва мақсадларига бўйсундирилиши лозим. Шу билан бир вақтда, ёш аскарлар учун иккита асосий йўналиш устувор бўлмоги керак.

Биринчи – бу ёш жангчиларни мустақиллик ғоялари негизида тарбиялаш, уларда Ватанга, халққа ва Президентга садоқат хамда ўз хаётини хам аямасдан ҳарбий бурчни бажаришга шайлик фазилатларини шаклланти-

Иккинчи - бу жангчиларда Конституция ва Узбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, хукумат қарорлари, Мудофаа вазири ва харбий низомлар талаблари, командир ва бошлиқларнинг буйруқларини бажариш борасида юксак масъулиятни шакллантириш. Шунингдек, жангчиларда ахлок нормаларига қатъий риоя қилиш, дўстлик туйгусини ривожлантириш, ижрочилик, касбий махоратни, жанговар ва ижтимоий-сиёсий билимларни доимий равишда такомиллаштириб бориш малакаларини хосил

Шу билан бир вақтда, режада ёш аскарларни сафларга жойлаштириш даврида бўлинмада соглом мухит яратиш, юксак ижрочилик ва хизматни аниқ-равшан ташкил қилиш бўйича қилинадиган ишлар акс эттирилиши лозим. Энг мухими - Куролли Кучлар жангчиси

шони ва обрўсини пасайтирмаслик учун ўз куч-кувватини аямаслик, армия нуфузини янада юқори кўтариш, унинг энг олий бурчи - мамлакат ва минтақадаги тинчлик ва барқарорликнинг кафили эканлигига ишончини янада мустахкамлаш.

Ушбу саволнинг иккинчи қисмини кўриб чиқишга ўтилар экан, шуни таъкидлаш зарурки, муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни кузатиш ўзида турли тадбирларнинг бутун бир комплексини жамлаган катта ташкилий - сиёсий вокеадир. Мудофаа вазирлигининг ҳар бир ҳарбий ҳисм ҳаётида бўладиган ушбу муҳим воқеага қўйган асосий талаблари нималардан иборат?

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган жангчиларни резервга бушатиш қатъий белгиланган муддатларда ўтказилиши зарур.

2. Резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жўнатишни тантанали равищда ўтказиш. Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда намуна кўрсатганларни, энг яхши мутахассислар, спортчилар, фаолларни рағбатлантиришни уюштириш Тантаналарда бутун шахсий таркиб, махаллий хокимият органлари, жамоат ташкилотлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий харакати вакиллари, харбий хизматчиларнинг ота-оналари иштирок этишларини таъминлаш.

3. Илгор тажрибаларни, айниқса, резервга бўшатилаётган мутахассислар ишини таргиб қилишни кучайтириш, бу тажрибаларни кўргазмали ахборот, деворий газеталар, махаллий радио эшиттиришлари, «Ватанпарвар» газетасида оммалаштириш. Резервга бушатилган хар-

бий хизматчиларни кузатиш тартиби Қуролли Кучлар Ички хизмат низомида, 10-иловада батафсил ёритилган.

Пировардида шуни таъкидламоқчимиз: ҳарбий хизматнинг биринчи кунлариданоқ жангчи мамлакат, унинг халқи, бугуни ва келажагининг химояси ва хавфсизлиги унинг қўлида эканлигини чуқур англаб етмоғи зарур. Ушбу олижаноб ишга мамлакат хавфсизлиги ишига бутун хизмат давомида бор кучқувватни бермоқ лозим. Доимий хушёрлик, жанговар шайлик, юксак интизом ва ующкоклик хамиша харбий хизматчининг хаёт қонуни бўлиши зарурлигини доимо ёдда тутиши лозим.

Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

#### билан белгиланади. Янги келган ёш аскарлар ва бутун шахсий таркиб билан ишларни ташкил қилишда Узбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил 4 мартда қабул қилинган қарор катта ахамият касб этади. Унда, жумладан, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, МХХ, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби, ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари: «муддатли харбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қушилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак уюшқоқликни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини; муддатли харбий хизматни ўтаётган харбий хизматчилар, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматчилар харбий мутахассисликларни сифатли ўзлаштириб олишига, жисмоний ва маънавий жихатдан камол топишига, максадга интилиш, Ватанга мухаббат ва уни химоя килишга тайёр бўлиб туришга асосланган мустахкам хаётий фазилатларни шакллантириш йўлида уларнинг самарали жанговар тайёргарлигини ташкил килишни, маънавий-ахлокий ва ватанпарварлик рухида тарбиялашни таъминлашлари» кераклиги белгилаб берилган. Ёш аскарларни қабул қилиш ва сафларга жойлаштириш катта ахамиятга эга эканлигини хисобга олган холда, шахсий таркибнинг бу тоифаси билан олиб бориладиган ишлар пухта режалаштирилади. Бу холда

барча даражадаги режаларда қуйидагилар ифода этилиши ло-

мандирлар, штаблар, тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосарлари ёш аскарлар келишидан анча аввал ва улар келгандан сўнг қуйидагиларни амалга оширишлари зарур: - чақирув комиссиялари би-

зишлари:

- қисм, бўлинмада жангчиларни Қуролли Кучлардан бўшатиш, ёш аскарларни қабул қилиш ва сафларга жойлаштириш даври учун ташкилий ва тарбиявий ишлар бўйича чора- тадбирлар режасини ишлаб чикиш;

- ёш аскарлар йигинлари фаолларини танлаш, жой-жойи-

ратга олиш.

мувофиқ ташкил этилади.

3. Тарбия масалалари. Харбий хизматнинг биринчи кунлариданок янги келган аскар тар-

нидан арзон бахоларда

хамма нарсани топса була-

ди. Миллий таомлар пиша-

диган ошхонаси эса доимо

гавжум. Тўгри, қисм ошхо-

харбий хизматим давомида бир неча бора жанговар ютукларга эришганман. Агар Тавсияномани ололсам, олий ўкув юртларидан бирига ўкишга кираман. Энг мухими, армия хаёти менга куп нарсани ургатди. Жисмонан янада чиникдим, маънан юксалдим. Хаётга бошқача назар ташлашни ўргандим. Ишончим комилки, ре-

зервга бўшагач, мустақил хаётимни ўзим қура оламан. Мана, резервга бўшаш арафасида турган аскарнинг фикрларини эшитдингиз. Сўзларидан уни хаёт мактаби тоблагани шундок билиниб турарди. Олдинда хали ўкув мавсумининг синовлари бор. Хайрлашаётганимизда аскар йигит «эгаллаган кўникма, билимларимни намоён этишга фурсат бор, Юртнинг асл посбони эканлигимни кўрса-

«Ватанпарвар» мухбири.

Военнополитические новости

#### ОСВОБОДЯТ ТЕРРОРИСТОВ

Как сообщил представитель министерства внутренних дел Великобритании, в стране начался процесс освобождения подозреваемых в терроризме, которые ранее были заключены в тюрьму Белмарш на основании закона по борьбе с терроризмом, который в настоящее время пока не получил одобрения парламента. По его словам, восемь заключенных будут освобождены под залог.

#### ОБНАРУЖЕН ТАЙНИК

В Веденском районе Чечни обнаружен крупный тайник с оружием и боеприпа-сами. Об этом сообщил источник в штабе объединенной группировки войск (ОГВ) на Северном Кавказе. «Тайник был обнаружен в лесу на окраине селения Дышне-Ведено Веденского района. По оперативным данным, тайник принадлежит банде Шамиля Басаева», - сказал источник. По его словам, в тайнике находились гранатомет РПГ-22, два автомата Калашникова, восемь зенитных снарядов, три мины, 26 выстрелов к гранатометам, 19 гранат, около 1 тыс. патронов различного калибра, 500 г взрывчатых веществ и самодельное взрывное устройство.

#### ОБСУЖДЕНИЕ В COBETE БЕЗОПАСНОСТИ

Франция, Великобритания и Германия готовы поддержать вынесение иранской ядерной проблемы на обсуждение Совета Безопасности ООН, если Тегеран возобновит обогащение урана или нарушит свои обязательства. Об этом говорится в совместном письме, направленном властям председательствующего в ЕС Люксембурга. Лондон, Берлин и Париж с декабря прошлого года от имени ЕС ведут переговоры о прозрачности иранской ядерной програм-

#### ПЕРЕГОВОРНЫЙ ПРОЦЕСС

**АКТИВИЗИРУЕТСЯ** Сергей Лавров подтвердил готовность России вести переговоры с Грузией по вопросу пребывания российских территории. «Наши планы сохраняются в полной мере, и мы будем обсуждать вопрос, касающийся функционирования наших баз, так и финансовой стороны дела», сказал он журналистам в Москве. Он напомнил, что во время визита в Грузию на встречах с президентом и главой МИД страны была достигнуга договоренность использовать оставшиеся два месяца для активизации переговорного процесса по базам.

#### вывод ИЗ ЛИВАНА

С севера Ливана выведены практически все сирийские военнослужащие. В окрестностях Триполи остались только два офиса разведки и два военных поста, сообщают источники в ливанской службе безопасности. По его словам, этой ночью в Сирию убыли несколько тысяч сирийских солдат и сотни авгомобилей, в том числе персонал авиабазы.

#### **АРЕСТОВАНЫ** БОЕВИКИ

Сотрудники службы бесотрудники служом ос-зопасности Саудовской Ара-вии арестовали в северном городе Зульфи 18 предполагаемых боевиков. Предположительно все задержанные являются членами группировки, связанной с «Аль-Каидой» и причастной к терактам в Саудовской Аравии, совершенным с мая 2003 года. У задержанных боевиков найдены «военные публикации», сообщает газета «Аль-Джазира». Между тем официальные представители власти пока недоступны для комментариев.

#### **УНИЧТОЖЕН** именно **МАСХАДОВ**

Проведенные исследова-

ния на 97% подтверждают, что в Толстом-Юрте был уничтожен именно Аслан Масхадов, сообщил начальник военно-медицинского управления Минобороны, генерал-лейтенант медицинской службы Игорь Быков. «По уже проведенным не генетическим исследованиям и экспертизам на 97% можно сказать, что это Масхадов. Остальные 3% — это то, что будет исследовать генетическая экспертиза. Анализы будут готовы в течение двух недель», - сказал Быков. (По страницам Интернета).

#### ПРОГРАММА СТАЖИРОВКИ ОТРАБОТАНА

На днях завершилась войсковая стажировка для группы курсантов четвертого курса ЧВТКИУ, проходивших ее в войсках Восточного военного округа.

Ребята стажировались в мотострелковых и других подразделениях, - рассказывает преподаватель кафедры управления повседневной деятельностью войск ЧВТКИУ майор Сохиб Рисбоев. -На месте были созданы все необходимые условия для качественной отработки вопросов учебной программы.

Курсанты активно участвовали в повседневной жизни своих подразделений. Так, стажировавшиеся в должностях заместителей командиров подразделений по воспитательной работе курсанты Улугбек Юлдашев и Темур Убайдуллаев в одно из воскресений приняли участие в гарнизонном смотре-конкурсе «Мардлар куриклайди Ватанни». А сержант Ортикали Шерматов с курсантом Хакимом Юсуповым в качестве командиров групп выезжали на полигон, где проходили боевые стрельбы групп. Их товарищ, курсант Исмоилбек Умаров, возглавил действия ремонтной группы, готовившей технику к данному полевому выходу.

 А мне довелось участвовать в проходившем занятии разведчиков, - говорит курсант Камолитдин Эшонкулов. - Было очени интересно вместе с признанными профессионалами быть в поиске, в засаде, выполнять другие боевые задачи.

Для курсантов же Баходира Темирова и Камолитдина Нурбекова запомнился марш-бросок на 30 километров в горных условиях - их выносливость и физическую закалку высоко оценили командиры. Вот так, закрепив на практике полученные в училище знания и

навыки, с хорошим настроением возвратились курсанты из Восточного военного округа.

Жанговар-ўқув машгулотларида

## УКЧИ ПОСБОНДАГИ ШИЖОАТ

хизматнинг белгиланган муддат-

ларини ўтаб бўлган фукаролар-

ни бўшатиш хамда харбий ва

муқобил хизматга навбатдаги

чақирув тўгрисида қарор қабул

қилади. Эндиликда эса ушбу

вазифа мамлакат Президентига

тааллуқли бўлади. 2005 йилнинг

4 мартида Узбекистон Респуб-

ликаси Президенти И.А.Каримов

томонидан «Муддатли харбий

хизматнинг белгиланган муддат-

ларини ўтаб бўлган фукаролар-

ни хизматдан бўшатиш хамда

Узбекистон Республикаси Қу-

ролли Кучларига навбатдаги

чақирув тўгрисида»ги Қарор

имзоланди. Унда 1978-1987 йил-

ларда туғилган, чақирилиш муд-

датини кечиктириш хукукига эга

бўлмаган Узбекистон Республи-

каси фукароларини 2005 йил-

нинг апрель-май ойларида муд-

датли харбий хизматга чақириш

кўзда тутилган. Ушбу қарорга

мувофик чакирув билан бевоси-

Президентимизнинг «Муддатли харбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бушатиш ҳамда Узбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чакирув тўгрисида»ги Қарорини матбуотдан ўқиб туриб, оддий аскар Шерзодбек Исломов салкам бир йил олдинги воқеаларни кўз олдига келтирди. Ҳа,ҳа тўгри англадингиз, 2004 йилнинг бахорида Шерзодбек муддатли харбий хизматга чақирилди. Пойтахтнинг Акмал Икромов тумани мудофаа ишлари бўлими чақирилувчилар билан гавжум. Ватан посбони бўлишга бел боғлаган йигитлар танловдан ўтишга жиддий киришишган. Яхшиям Шерзодбек спорт билан мунтазам шуғулланган. Акс холда тенгдошларидан Майор Аблай КАМАЛОВ. ортда қолиб кетармиди. Кол-

Чунки, интизомсиз жанговар

шайлик бўлмайди, хушёрлик

бўлмайди, одамларни бирлаш-

тириш ва уларни ягона максад

сари - душман устидан ғалаба

қозониш сари йўллаб бўлмайди.

Шунинг учун ҳарбий хизматда-

ги биринчи қадамларданоқ ҳар

бир харбий хизматчида жангчи-

ларнинг барча муваффақиятла-

ри негизида мустахкам харбий

интизом турганлиги ҳақида

аниқ-равшан тушунча бўлмоги

лозим. У қонунлар, низомлар,

командир ва бошликлар буйруқ-

лари талабларига асосланади.

Шу сабабдан ҳам низомлар,

буйруқлар талабларини билиш

ва қатъий ижро этиш - мустах-

кам харбий интизомнинг зару-

Тўртинчи. Доимий ва юкори

жанговар шайлик хар бир хар-

бий хизматчининг алохида

ахамиятга эга иши бўлмоги ло-

зим, Куролли Кучларнинг жан-

рий шартларидир.

лежда тахсил олгани яна оро кирди. Билими, интеллектуал даражаси бўйича хам синовдан ўтиши керак экан-да. Хуллас, сараларнинг саралари қатори унга ҳам аскар бўлиш насиб этди.

Хўш, бугун резервга бўшаш арафасида турган ўглон конституциявий бурчини қай даражада ўтади? Ингитлик мактабидан қандай сабоқлар олди? Келинг, ана шу саволларга жавоб излашга уриниб кўрайлик.

Оддий аскар Исломов, сизнинг вазифангиз шартли душманнинг пайдо бўлувчи нишонини бартараф этиш. Шу каби буйрукни берар

экан, гурух командири катта лейтенант Рахим Жўраев посбонга эгаллаши лозим бўлган позицияни тушунтирди. Нихоят шартли душман-

нинг пиёдалари кўринди. Ора-

лик масофа тахминан 300 метрлар. Укчи аскар нишонни мўлжалга ола бошлади. Назарий машгулотда бир неча бора бундайин вазифаларни бажарган. Шу боис дала-ўқув машгулоти ҳеч қандай қийинчилик туғдирмади. Оддий аскар Исломов нишонларга бехато отди.

дашиши жуда мухим ахамият

йигит хаётида оилада яшаш би-

лан боглик бир турмуш тарзи-

дан ўзининг қатъий кун тарти-

би, қатъий бўйсуниш, юқори

жисмоний ва рухий мураккаб-

ликларга эга бўлган ҳарбий тур-

муш тарзига ўтиш амалга оша-

диган алохида бир давр бўлади.

нида ёш йигитда харбий хизмат

харбий хизматчилардан ўз ва-

зифаларини жон-дилдан бажа-

риш, жанговар ва ижтимоий-си-

ёсий билимларни доимо тако-

миллаштириб бориш, сўзсиз ба-

жарувчанлик, Харбий қасамёд

ва харбий низомлар талаблари-

га қатъий ва аниқ риоя қилишни

талаб этиши ҳақида чуқур ту-

мавкеси « Умумий харбий маж-

бурият ва харбий хизмат тўгри-

Ёш аскарларнинг хукукий

шунча пайдо қилиш зарур.

Учинчидан, бу давр мобай-

Иккинчидан, ушбу давр ёш

касб этади.

-Мен юртимизнинг узоқ сархадларидан бирида жойлашган мазкур ҳарбий жамоага келганимда аввало посбонларга яратилган шарт-шароитларни кўриб ажабландим. Тўгриси, тасаввурим бошқача эди-да. Гапни озик-овкат таъминотидан бошлай қолай. Харбий дўкон бошлиги Қуролли Кучлар хизматчиси Убайдулло Бебетовдан купчилик сафдошларим миннатдор. Қувончли воқса, туғилган

кун бўладими, унинг дўко-

насида ўзгача файз бор. Аммо ота-оналаримиз келса, бирон шодиёнани нишонласак, бу ерга борамиз. Дарвоке, янги йилдан эътиборан биз аскарларнинг озик-овқат таъминотимиз янада яхшиланди. Ошхонамизда очилган фитобарни айтмайсизми. Унга шартнома бўйича хизмат сержанти Акбар Абдуллаев масъул. Айникса, айни бахор пайти витаминлар жуда зарур. Шу боис фитобардан унумли фойдаланаяпмиз. Резервга бўшашимиз арафасида бизга бир маротабалик пул маблағлари берилади. Бу хам бўлса давлатимиз томонидан биз она юрт посбонларига кўрсатилаётган гамхўрликнинг намунасидир.-Командирларим Тавсияномага номзодимни кўрсатишган. Хар холда муддатли

тишга ҳам», дея синовларга

Майор Алижон САФАРОВ,

ишора қилди.

# на передовом участке

ступлении постралавших, на-

